Миржалол ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

САРАХСИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Маълумки, ислом фиқҳида иқтисодий ва мулкий муносабатлар энг муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, одамлар орасидаги асосий муносабатлар савдо-сотиқ, олди-бердидан иборатлиги ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаш ўринлики, ислом шариатида бошқа таълимотлардан фарқли ўлароқ, иқтисодий ва мулкий муносабатларга жиддий ёндашилади. Бунинг сабаби ҳалолликни сақлашдан иборат. Шу сабабдан ҳам бевосита Қуръони каримда бу борада кўп маротаба тўхталиб ўтилган, жумладан, “Нисо” сураси 29-оятда шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُم بَيْنَكُم بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَن تَكُونَ تِجَارَةً عَن تَرَاضٍ مِّنكُمْ ۚ وَلَا تَقْتُلُوا أَنفُسَكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

“Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ (яъни ўғрилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилингиз. Ҳамда бир-бирларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир”[1].

[1] Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. 83-бет.

Оятдаги “ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилингиз” жумласи, аввало тижоратнинг одамлар орасида рухсат этилган касб-кор эканига далолат қилинаётган бўлса, иккинчи тарафдан савдонинг аслий қоидалари, бу – тўғриликдир. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ўзаро савдо-сотиқ муомалалари бўйича бир қатор кўрсатмалар келгани билан, савдодаги турли муаммоларни ҳал қилиш учун албатта фақиҳларнинг тахрижларига катта эҳтиёж сезилади. Шунинг учун ҳам исломнинг илк давриданоқ бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси Нўъмон ибн Собитнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) асли касби кори ҳам тижорат бўлган. Қолаверса, фиқҳни яхши тушуниш учун энг аввало, тижорат қоидаларини мукаммал билиш лозим бўлади.

Кейинги давр ҳанафийлик мазҳаби уламолари, хусусан, мовароуннаҳрлик олимлар орасида ушбу масалаларда кенг қамровли ечимлар берган олимлардан бири бу Шамсул-Аимма куняси билан машҳур бўлган имом Сарахсийдир. Унинг иқтисодий ва мулкий муносабатлар ҳақидаги қарашлари асосан “Мабсут” асарининг таркибидан ўрин олган бўлса-да, бироқ бошқа асарларида ҳам фақиҳ ушбу нозик масаланинг у ёки бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратиб ўтган. Шу асосда унинг бошқа асарларида ҳам молиявий муносабатларни шарҳлашга алоҳида эътибор қаратилгани кузатилади. Лекин, бизнинг тадқиқот доирамиз “Мабсут” асари бўлгани сабабли, айни шу манбадаги молиявий масалаларга тўхталиб ўтишни мақбул деб топдик. Фақиҳ бевосита молиявий масалаларга алоқадор “байъ” (савдо-сотиқ), “сарф” (харажат), “ижара”, “мудораба” каби мавзулардан ташқари, таркибида молиявий муносабатларни қамраб олувчи, “закот”, “фароиз” (мерос), “жиноят”, “дия”, “қарз” каби мавзуларда ҳам тўхталган.

Қадимда ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам одамлар ижтимоий ҳаётда биргаликда яшар экан, топилмалар масаласи жамиятдаги иқтисодий-мулкий муносабатларнинг ўзига хос мураккаб шакли сифатида мавжуд бўлиб қолади. Маълумки, бугун ахборот коммуникацион тизим ривожланиши билан топилмаларни ўз эгасига қайтариш анча осонлашгандек кўринади. Бироқ унинг ўзига хос нозик та-

рафлари, кишининг виждони, имон-эътиқоди билан боғлиқ жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Айтайлик, кимнингдир ҳужжатини топиб олган киши уни топилмалар идорасига топшириши, ёки ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларида эълон бериши мумкин. Аммо, топилма қимматбаҳо нарса ёки катта миқдорда маблағдан иборат бўлса, одамнинг нафси хуруж қилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Фақиҳ Сарахсий бундан ўн аср аввал ҳам инсонларнинг руҳий ҳолатларидан яхши хабардор сифатида топилмалар (كتاب اللقيطة) мавзусини кенг ёритган. Олим айтади: “Топилмалар масаласида одамлар ихтилоф қиладилар. Яъни, уни олиш ёки олмаслик борасида икки хил фикр мавжуд. Жумладан, файласуфларга кўра, топиб олинган нарсани олиш ҳаромдир. Чунки, эгасининг рухсатисиз уни олиш ёки истеъмол қилиш мумкин эмас“. “Бу борада, – деб ўз фикрини давом эттиради фақиҳ, – тобеъин уламолар ҳам топиб олинган нарса ҳалол эмаслигини таъкидлаганлар. Чунки, унинг эгаси тушириб қўйган нарсасини излаб шу ерга келган чоғида уни топа олмайди. Бу эса, бировнинг мулкини мулк эгаси изнисиз олиш ҳисобланиб, шариатда ҳаромдир. Натижада бунинг масъулияти топиб олган кишининг зиммасига тушади”[2].

Ҳанафийлик мазҳаби жумҳур олимлари наздида эса, топилмани олиш авлороқдир. Башарти уни олмаган тақдирда, бу нарса бир хиёнаткор қўлига тушиб, уни беркитишига имкон яратиб беради. Шу сабабдан топилмани топиб олган киши уни эгасига топшириш йўлларини излайди. Бу ҳам бировнинг омонати бўлиб, омонатни соҳибига етказиш фарз ҳисобланади. Фақиҳ шу ерда Қуръон оятидан далил келтиради:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَن تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا

Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгасига етказишга буюради[3] (“Нисо” сураси 58-оят).

Фақиҳ топилган нарсани икки тургa ажратади: бири – эгаси қидирмайдиган нарсалар, масалан, анорнинг пўсти, уруғ кабилар. Иккинчиси албатта, соҳиби учун зарурий қимматбаҳо нарса ёки пул буюмлари. Бу борада топилмани олиш ва уни омонаторлик билан эгасига топшириш борасида фақиҳ Имом Иброҳимнинг (раҳимаҳуллоҳ) фикрларига таяниб ҳукм чиқаради.

Имом Сарахсий топилманинг миқдорига қараб, қанча вақтгача эълон қилиш масаласини ҳам дақиқ асосларда келтириб ўтади. Масалан, топилманинг қиймати ўн дирҳам ва ундан ортиқ бўлса, унинг эгаси бир йил давомида кутилади. Жума кунлари жума намозида йиғилганларга эълон қилиб борилади. Албатта, бунда хиёнаткорлар фойдаланиб қолмаслиги ва омонат эгасидан бошқанинг қўлига ўтиб кетмаслиги учун топилма аниқ сифатлари билан эълон қилинмайди. Эгаси талаб қилиб келгандагина, эгасидан аниқ сифатлар ёки пулнинг аниқ миқдори ҳақида маълумот сўралади. Унинг сўзлари бехато чиққандагина омонат эгасига қайтарилади.

Башарти топилган нарсанинг қиймати учдан бирига кам бўлса бир ой, ундан ҳам оз бўлса, бир ҳафта, ёки бир дирҳамлик бўлса, бир кун кутилади. Эгаси чиқмаган тақдирда мол эгасининг номидан ғойибона садақа қилиб юборилади.

Биргина топилмалар борасида олимнинг фикрлари 15 саҳифада батафсил баён қилинган. Олим ўзидан аввалги фақиҳлар эътибор қилмаган жиҳатларни ҳам очиб беришга ҳаракат қилган. Бу эса, Имом Сарахсийнинг кишилик жамиятидаги муаммоларни яқиндан билиши ва ҳар бир масалага атрофлича мулоҳаза юритиб ёндашишидан дарак беради.

Ислом фиқҳидаги мулкий муносабатлар, айниқса, юқорида тилга олинган топилмалар масаласи доирасида берилган ечимлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу борадаги замонавий қонунлар билан шариат талаблари солиштирилганда, ислом динининг бу борада инсонпарварлик ва адолатпарварлигини кузатиш қийин эмас.

Молиявий ва иқтисодий масалалардаги энг кенг қамровли масала мақола бошида таъкидлаб ўтилгани каби савдо-сотиқдир. Фақиҳ ўз асарининг 12-жилдидан бошлаб “Китаб ал-буйуъ” (Савдо китоби) остида ушбу масалага чуқур кириб боради. Аввало, олим тижо-

[2] Шамсиддин Сарахсий, “Ал-Мабсут”. 11-жузъ. Байрут: Дорул-маърифа. 1989. 2-бет.

[3] Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. 87-бет.

ратнинг турларини аниқлаб берган. Кейин эса, савдо аҳдлашувини шарҳлаб ўтади. Олимнинг ҳар бир масалада нозик ёндашуви яна шунда намоён бўладики, ўринсиз сўз одамларнинг келишуви бузилишининг олдини олиш мақсадида фиқҳий масалаларнинг айрим ўринларда ўзаро фарқларини кўрсатиб ўтган. Айни савдо – олди-берди аҳдномасининг никоҳ аҳдномаси билан фарқли жиҳатларини кўрсатиб берар экан, унинг жамиятда рўй бераётган ҳодисаларга бефарқ бўлмаганлигини сезамиз.

Шунингдек, бу мавзуда рибо ҳақида сўз бориши табиий. Чунки, бу борада тушган оятлар савдонинг ҳалоллиги ва рибонинг ҳаромлигини баён қилади:

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا ۗ وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا ۚ فَمَن جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّهِ فَانتَهَىٰ فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ ۖ وَمَنْ عَادَ فَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топширилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар[4] (“Бақара” сураси 275-оят).

Оятдаги “Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган” жумлалари савдо борасидаги фиқҳий масалалар қаторида рибо, унинг сурати ва ҳукми тўғрисида хулоса бериб ўтишнинг заруратини кўрсатади. Фақиҳ ушбу масалага атрофлича тўхталиб ўтади. Рибога олимлар томонидан берилган таърифини такомиллаштирар экан, шариат ҳаром қилган бу амалнинг ижтимоий хатарларини аниқ кўрсатиб берган. Бинобарин, судхўр шахс осонлик билан катта даромадни қўлга киритар экан, унинг қўлида кўп миқдордаги пул тўпланиб қолади. Бу эса, бугунги кун молиявий тизимида кўп ишлатиладиган пулнинг қадрсизланиши – инфляция даражасини ошириб юборади. Натижада жамиятда муҳтожлар сони ортади. Иккинчидан, судхўрдан пул олган шахснинг ҳоли борган сари ёмонлашади. Бунинг оқибатида замонавий тилда банкрот бўлиш, синиш каби иқтисодий фожеалар қалқиб чиқади.

Имом Сарахсий рибо борасидаги Қуръон ва ҳадисда белгиланган ҳукмлар ҳақида батафсил тўхталар экан, ўз даврининг ҳукмдорлари ушбу иллатга қарши курашишлари, жамиятда адолат ўрнатилиши учун хизмат қилишлари шартлигини таъкидлайди. Худди шу ўринда рибонинг қандай ҳосил бўлиши борасида Абу Саид ал-Худрий ривояти билан келган машҳур ҳадис матнини олим келтириб ўтган: Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Олтинни фақат олтин билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо, кумушни фақат кумуш билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо, буғдойни фақат буғдой билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо, тузни фақат туз билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо, арпани фақат арпа билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо, хурмони фақат хурмо билан ўз нисбича қўлдан қўлга (қайтарилади), ортиқчаси рибо”[5].

Олим ҳар бир масалада бўлгани каби бу мавзуда ҳам аввало ҳанафийлик хулосаларини берар экан, уларни асл манбаси – саҳобалар ёки тобеинлар томонидан қилинган нақллар асосида мустаҳкамлайди. Кейин эса, бошқа мазҳаб соҳибларининг бу борадаги қарашларини ҳам баён этиб, якунида хулосалайди.

Шубҳасиз, олимнинг фикрлари бугунги кунда ҳам ислом оламида ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Ундан муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин.

[4] Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. 47-бет.

[5] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Ҳадис ва ҳаёт”. 13-жузъ. Тошкент: “Ҳилол-нашр” матбаа бирлашмаси, 2006. 56-бет.